

XIX АСР ОХИРИ ТУРКИСТОНДА АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТАДБИРЛАРИНИНГ БОШЛАНИШИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-51>

(1897 йилги аҳоли рўйхати мисолида)

**Ғуломов Илҳомжон Комилжонович,
ЎзМУ таянч докторанти**

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Туркистон ўлкасида биринчи бор расмий тарзда 1897 йилда ўтказилган аҳолини махсус дастур асосида рўйхатга олиш тадбирлари тарихи ёритилган. Шунингдек, ўтказилган аҳоли рўйхатининг натижалари бўйича ҳудудлар кесимида умумий аҳоли рўйхати тақсимланишига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: Аҳолини рўйхатга олиш тадбири, аҳолини ҳисобга олиш, аҳоли сони, аҳоли сони ҳисоботи, миграция, эмиграция, аҳоли табиий ўсиши, статистика, доимий аҳоли, аҳоли зичлиги, волост, уезд.

НАЧАЛО ПЕРЕПИСИ НАСЕЛЕНИЯ ТУРКЕСТАНА В КОНЦЕ XIX ВЕКА (на примере переписи населения 1897 года)

**Гулямов Илхамджан Камилджанович,
Докторант (PhD) Национального
университета Узбекистана**

АННОТАЦИЯ

В статье описана история мер регистрации населения Туркестанского края, которая была впервые официально проведена в 1897 году на основе специальной программы. По итогам регистрации населения уделено особое внимание распределению общего списка населения по регионам.


Ключевые слова: меры регистрации населения, численность населения, отчет численности населения, миграция, эмиграция, статистика, местное население, плотность населения, волость, уезд.

LINKING THE POPULATION TO REGISTRATION IN TURKISTAN IN THE LATE XIX TH CENTRY(examples of population in 1897 year)

**Gulamov Ilkhomjon,
Doctorate student of National University**

ANNOTATION

This article describes the history of the first publicized registration program in the Turkestan nation which was officially registered in 1897. As well as the distribution of the general population list for the regions as a result of the registered population list.




Key words: order of the population registration, taking into account the population, size of population, population report, migration, emigration, statistics, permanent population density, volost, county.

Ҳар бир ижтимоий-сиёсий жараёнлар моҳиятини тўғри тушунмоқ ва чуқур англамоқ учун ўша давр, ўша ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли сони, миллати, кундалик турмуш тарзи, аҳоли бандлиги, демографик ривожланиш муаммоларини тадқиқ қилиш жуда муҳимдир. Шунинг учун ҳам мазкур тадқиқотда Туркистон ўлкаси аҳолиси бўйича XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида тўпланган маълумотларни ўрганишни ҳамда уларни ҳолисона таҳлил қилиш муҳимдир. Ўтмишда ўлкамиз ҳудудида ўтказилган аҳоли рўйхати тадбирларида аҳоли тўғрисида аниқланган статистик маълумотларни асосан архив материаллари, айниқса статистик маълумотлар қолаверса мазкур даврларда ўтказилган аҳоли рўйхатининг бирламчи манбалари асос ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар кучайган XIX асрнинг иккинчи ярмидаги тарихий жараён Ўзбекистоннинг нафақат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида ўзгаришларга сабабчи бўлди, балки аҳоли сони, миллий таркиби, миграция, эмиграция каби ижтимоий жараёнларда ҳам чуқур ўзгаришларга олиб келди. Россия империяси томонидан Туркистонни истило этилишидаги сиёсий режасида ўлкага рус эмигрантлари, айғоқчилари, олимлари ва мутахассисларини турли йўллар билан киритиш ва секин-аста мазкур ўлкада нуфуз ташкил этиш дастлаб кўзда тутилган тактик жараён бўлса, кейинчалик бу режа фойдали томонга издан чиқиб, истилонинг бошқа факторлари таъсирида ҳам жадаллашиб кетди.

Россия империяси томонидан Ўрта Осиё хонликлари тўлиқ босиб олинган вужудга келган Туркистон бошқарув маъмурияти томонидан аҳоли тўғрисидаги расмий даражадаги кўплаб ҳисоботлар тайёрланди. Туркистондаги рус маъмурлари дастлабки ҳисоботларидаёқ ҳудуддаги аҳолининг этник таркиби, сони, турмуш тарзи, яшаш аҳволи тўғрисидаги маълумотлар бериб борди. Жумладан, ўлкага губернатор этиб тайинланган генерал-адъютант К.П.Кауфман ҳисоботининг биринчи бобида мазкур масалага кенг эътибор қаратилган. У 1880 йилга келиб, ўлка аҳолиси 3150000 кишига яқин, деб ҳисобот берган. Албатта, бу фактлар тахминий эканлигини, унга сабаб эса, ҳали аҳоли тўлиқ рўйхатга олинмаганлигида деб, маълум қилади[1]. Россия империясига бериб борилган йиллик ҳисоботларда вилоятлар аҳолисининг умумий сонини кўрсатган ҳолда бериб борилган ҳолос. Иловаларда эса ҳудудда яшовчи эркак ва аёллар сони ҳамда ҳар бир миллатнинг умумий сони ва уларнинг уездлар бўйича тақсимланиши статистик рақамларда ўз ифодасини топган.

Аҳоли рўйхати билан боғлиқ манбаларда Туркистон ўлкасидаги аҳоли сони тахминий эканлиги кўп таъкидланган. Масалан, 1965 йилда ўтказилган халқаро илмий конференция материалларида таъкидланишича 1883 йилги ҳарбий губернатор ҳисоботида “хонлик замонида аҳолини рўйхатга олиш бўлмаганлиги учун, ҳозирда улар мазкур тадбирга шубҳа билан қарамоқдалар” деб қайд



этилган[2]. Жумладан, мазкур манбаларда келтирилишича 1899 йили Фарғонада 1641000 аҳоли истиқомат қилган бўлиб, улардан 294877 таси шаҳарларда, 1256370 таси эса қишлоқларда яшаган ҳамда мазкур аҳолининг 821000 таси сартлар, 300000 таси қорақирғизлар, 168000 таси тожиклар, 165000 таси қашғарлар, 9750 тасини эса руслар ташкил қилган деган маълумотлар учрайди.

Ўзбекистонда аҳолишунослик тарихи 1897 йилдан, яъни биринчи марта Туркистон ўлкасида расмий ўтказилган аҳоли рўйхатидан бошланди. Юқорида айтиб ўтилгандек, 1897 йилги аҳоли рўйхати ўша даврдаги Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ҳудудини ва Амударё бўлимини қамраб олган бўлиб, бу ҳудудлар Ўзбекистоннинг асосий ҳудудини ташкил этган. Мазкур йилда ўтказилган аҳоли рўйхати натижалари ҳам ушбу вилоятлар бўйича чоп этилган. Бир неча қишлоқлардан иборат бўлган бўлинмалар рўйхати натижалари чоп этилмаган бўлиб асосан йирик шаҳарлар ва уездлар бўйича чоп этилган[3]. Бирок, 1897 йилда ўтказилган аҳоли рўйхатидан Туркистонда истиқомат қилган аҳоли тўғрисида тўлиқ тасаввур бера оладиган маълумот олиш қийин. Чунки, 1897 йилги Бутунроссия аҳоли рўйхати Фарғона, Самарқанд, Сирдарё, Еттисув, Каспий-орти ва Амударё бўлиmlарини қамраб олган бўлиб, Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари ҳудудларида яшовчи аҳоли мазкур йилда ўтказилган аҳоли рўйхати тадбирларида ҳисобга олинмаган[4]. Лекин, шунга қарамасдан Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари ҳудудида истиқомат қилган аҳоли сони ва миллий таркиби ҳамда аҳолининг кундалик машғулотлари тўғрисидаги айрим маълумотлар баъзи бир манбаларда учраб туради. Масалан, XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Хива хонлиги аҳолисининг сони ва этник таркиби тўғрисида турли манбаларда даврма-давр берилган маълумотлар келтирилган. XIX аср бошларида Хива хонлигининг аҳолиси 300 минг[5] кишини ташкил этган бўлса, XIX аср ўрталарига келиб эса 500 минг[6] кишини этган деб таъкидланган. В.Лабочевский ўз тадқиқотларида XIX аср охирларига келиб хонлик аҳолиси сонини 520 минг[7] деб кўрсатиб ўтган.

1897 йил Бутунроссия аҳоли рўйхати бўйича Туркистон ўлкасининг Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилган аҳолининг сонини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Минтақа ҳудудида олиб борилган аҳолини рўйхатга олиш ишлари XIX асрнинг 60-йилларидан бошланган бўлсада, аҳолини ёппасига ва махсус дастур асосида дастлабки расмий рўйхатга олиш жараёнлари 1897-йилда амалга оширилган. Унга маълум тайёргарликлар ҳамда аҳоли рўйхатини аниқлаш учун махсус дастур ва саволнома ишлаб чиқилган бўлиб, ташкилий ишларда П.П.Семёнов Тянь-Шанский бошчилигида қатор соҳа олимлари ҳам иштирок этишган[8].

Нафақат Россия империяси ҳудудида балки империя томонидан мустамлака сифатида босиб олинган ўлкаларда ҳам 1897 йилда биринчи марта аҳолини ёппасига махсус дастур асосида рўйхатга олиш тадбирларида 14 та саволдан иборат рўйхатга олиш вароғи ишлаб чиқилган бўлиб улар қуйидаги саволлардан иборат эди:

1. Фамилияси, исми, отасининг исми(Шу саволнинг ўзида кўр, соқов, кар-

соқовлар ва ақли заифлар белгилаб қўйилган).

2. Жинси.
3. Оила аъзосининг оила бошлиғига ким эканлиги.
4. Туғилган йили ёки ойи.
5. Бўйдоқ, уйланган, бева ёки ажрашган.
6. Насл насаби (табақаси), аҳволи ёки унвони.
7. Шу ерда туғилганми, туғилмаган бўлса, айнан қаерда туғилган.
8. Шу ерга рўйхатда турадимиз, қаерда рўйхатга қўйилган.
9. Айнан қаерда яшайди – шу ердами, агар бу ерда бўлмаса, қаерда.
10. Йўқ эканлиги, бирор ерга кетганлиги, вақтинча келганлиги тўғрисидаги белги.
11. Эътиқоди.
12. Она тилиси.
13. Саводхонлиги: а) ўқишни биладимиз, б) қаерда ўқийди, ўқиган ёки

таълимни тамомлаган.

14. Машғулоти, ҳунари, касби, мансаби ёки хизмати.

Аҳолини рўйхатга олиш дастурлари турли миллат вакиллари учун 20 та тилда, шу жумладан ўзбек тилида ҳам тузилган эди[9].

Юқорида айтиб ўтилганидек, 1897 йилги аҳоли рўйхати ўша даврдаги Фарғона, Самарқанд, Сирдарё вилоятлари ҳудудини ва Амударё бўлимини қамраб олган бўлиб, бу ҳудудлар Ўзбекистоннинг асосий ҳудудини ташкил этган. Мазкур йилда ўтказилган аҳоли рўйхати натижалари ҳам ушбу вилоятлар бўйича 4 та йирик томда чоп этилган. Бир неча қишлоқлардан иборат бўлган бўлинмаларда истиқомат қилувчи аҳоли рўйхати натижалари чоп этилмаган бўлиб асосан йирик шаҳарлар ва уездлар бўйича умумий натижалар чоп этилган[10].

Туркистон ўлкасининг туб вилоятлари аҳолиси 1897 йилги биринчи рўйхатга олиш санасида қуйидаги маъмурий бўлинишга эга эди: Фарғона, Самарқанд, Сирдарё ва Амударё бўлинмалари. Бундан ташқари, Бухоро амирлиги ҳудуди 28 та беклик ва туманлардан иборат бўлиб, Хива хонлиги эса 21 та беклик ва 2 та ноибликдан ташкил топганди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди таркибига Фарғона вилоятининг 62 та волости(бир неча қишлоқлардан иборат бўлинма) Самарқанд вилояти 55 та волост, Сирдарё вилоятининг 31 та волост ва Амударё бўлими кирган[11]. Вилоят ва хонликларнинг маъмурий-ҳудудий бирликлари ҳамдахудудларнинг хажми ва аҳолисининг сони бир-биридан кескин фарқ қилган. Бухоро амирлигининг алоҳида бекликлари аҳолиси сони 35 мингдан 200 минггача бўлган ораликда доимий ўзгариб турган[12]. Хива хонлигининг бекликлари бўйича аҳоли сони бирмунча тенг тақсимотга эга бўлган. Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг уезд ва волостлари аҳолиси тенглик принципига асосланган бўлиб, ихчамлик жиҳатидан Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари аҳолисидан маълум даражада фарқ қилган.

Туркистон ўлкасининг 3 та вилояти Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё бўйича ҳамда Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари аҳолисининг тахминий сони ўлкамиз ҳудудида ўтказилган 1897 йилги аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари асосида олинган маълумот натижасига биноан қуйидаги рақамлар билан ифодаланади[13]:

| № | Худуд | Хўжалик лар сони | Аҳолиси сони | Эркаклар сони | Аёллар сони |
|----------------|-------------------|---------------------|-----------------|------------------|----------------|
| 1 | Фарғона вилояти | 309855 | 1572214 | 852919 | 719295 |
| 2 | Самарқанд вилояти | 147534 | 860021 | 472443 | 387578 |
| 3 | Сирдарё вилояти | 110417 | 642966 | 351100 | 291866 |
| 4 | Амударё области | 33172 | 194473 | 101185 | 93288 |
| 5 | Бухоро амирлиги | 426675 | 2134240 | 1114960 | 1019280 |
| 6 | Хива хонлиги | 91415 | 488967 | 259097 | 229888 |
| Умумий сони | | 1119068 | 5892881 | 3151686 | 2741195 |

Ўрта Осиё республикаларининг 1924 йилда белгиланган миллий-худудий давлат чегараланиши 1897 йилги Россия империяси томонидан ўтказилан аҳоли рўйхатининг худудий чегараланишига мос келмайди. Кейинги даврларда ҳам миллий республикаларнинг чегаралари бир қатор ўзгаришлар бўлиб ўтди. Ўзбекистон ва Қирғизистон ССР ўртасидаги, Тожикистон ва Ўзбекистон ССР ўртасидаги чегараларга аниқлик киритилган, Қозоғистон ССР айрим худудлари Ўзбекистон ССРга ўтказилган.

Октябрь тўнтаришигача бўлган даврдаги архив материалларида Фарғона, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг уездлари, қишлоқ ва овуллар жамиятлари, волостлари бўйича ҳамда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг бекликлари, туманлари, ноибликлари бўйича кенгайтирилган рўйхат топилган. Шунингдек, архив материаллари волостлар ва қишлоқ жамоалари бўйича аҳоли ва хўжаликлар сонини аниқлашга ҳам имкон беради. Мазкур маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш бўйича умумий ҳисоб-китобларни ҳисоблашда ва таҳлилий маълумотлар тайёрлашда мезон сифатида хизмат қилади.

1897 йилги Туркистондаги аҳоли рўйхати маълумотлари асосида худуднинг маъмурий-худудий бирликлари ва уларнинг чегаралари тўғрисидаги рўйхат ҳамда бир қатор географик хариталар, статистик маълумотлар мазкур даврдаги маҳаллий нашрларда чоп этилган маълумотлардан фойдаланган ҳолда Туркистон ўлкасининг Ўзбекистон худудида яшаган аҳолиси сонини аниқлаш ва мазкур маълумотлар бўйича таҳлилий маълумотлар олинди. Мазкур олинган маълумотлар таҳлили бўйича Ўзбекистон худудида 1897 йилда 4064754 аҳоли ҳисобга олинган [14].

| № | Уездлар сони | Хўжалик лар сони | Аҳолиси сони | Эркаклар сони | Аёллар сони |
|---|--------------|---------------------|-----------------|------------------|----------------|
| 1 | Андижон | 47227 | 246254 | 134581 | 111673 |
| 2 | Қўқон | 61590 | 317413 | 175474 | 141939 |
| 3 | Марғилон | 58149 | 275408 | 150574 | 124834 |
| 4 | Наманган | 59657 | 292404 | 155236 | 137168 |
| 5 | Ўш | 9956 | 55514 | 29389 | 26125 |
| 6 | Жиззах | 34659 | 214737 | 115833 | 98904 |

| | | | | | |
|--------------|-----------------|---------------|----------------|----------------|----------------|
| 7 | | 23400 | 110006 | 60897 | 49109 |
| Катта-кўрғон | | | | | |
| 8 | Самарқанд | 49618 | 278176 | 155182 | 122994 |
| 9 | Хўжанд | 2194 | 15996 | 8754 | 7242 |
| 10 | Тошкент | 64423 | 383053 | 213827 | 169226 |
| 11 | Аму-дарё | 33172 | 194473 | 101185 | 93288 |
| 12 | Бухоро амирлиги | 272752 | 1369032 | 712598 | 656434 |
| 13 | Хива хонлиги | 56056 | 31288 | 165580 | 146708 |
| Умумий сони | | 772853 | 4064754 | 2179110 | 1885644 |

XIX асрнинг 90 йилларида Туркистон ўлкасининг 3 та вилояти ҳамда Бухоро амирлиги ва Хива хонликлари ҳудудларида 40 та шаҳар мавжуд бўлган бўлиб, шулардан 25 таси ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган. 1897 йилги аҳоли рўйхати натижасида олинган маълумотлар бўйича Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг сони 621068 кишини ташкил этган[15].

1897 йилги аҳоли рўйхати маълумотлари таҳлили ҳамда мазкур даврдаги айримбирламчи манбалар шуни кўрсатадики Туркистон (ҳозирги Ўзбекистон)нинг энг йирик ҳамда аҳолиси бошқа шаҳарларга нисбатан зич жойлашган шаҳарлари Тошкент, Қўқон, Наманган, Самарқанд, Бухоро ва Марғилон шаҳарлари ҳисобланган бўлиб, ўлкадаги энг йирик қишлоқлар тўғрисида эса маълумотлар берилмаган.

Россия империяси томонидан 1897 йилда Туркистон ўлкасида ўтказилган дастлабки расмий аҳоли рўйхатида илк мартаба мазкур ҳудуд бўйича аҳоли ўртасидаги жинсий нисбат аниқланган. Туркистон ўлкаси ҳудудида ўтказилган аҳоли рўйхатидан олинган маълумотларнинг таҳлилий натижаси кўра, ҳар бир вилоятда ва уездларда эркаклар сони аёллар сонига нисбатан юқори бўлган. Аҳолининг жинси бўйича составини мазкур даврдаги аҳоли рўйхатининг статистик маълумотлари орқали қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин[16].

| № | Шаҳар ва қишлоқ ҳудуди | Аҳоли сони | Эркаклар сони | Аёллар сони |
|---|------------------------|------------|---------------|-------------|
| 1 | Умумий аҳоли сони | 4064754 | 2179110 | 1885644 |
| 2 | Қишлоқларда аҳоли сони | 3443686 | 1832870 | 1610816 |
| 3 | Шаҳарларда аҳоли сони | 621068 | 346240 | 274828 |


Туркистон ўлкаси бўйлаб ўтказилган 1897 йилги аҳоли рўйхати во-лост ва уездлар бўйича хўжаликлар сонини ҳам ҳисобга олган. Ўзбекистонда 1897 йилги аҳоли рўйхати маълумотлари бўйича 772853 хўжаликлар қайд этилган бўлиб шулардан шаҳарларда 111403 та хўжаликлар қайд этилган[17]. Хўжаликни алоҳида оила сифатида қабул қилсак ўша даврда Ўзбекистон қишлоқларида оилаларнинг ўртача ҳажми 5,2 киши шаҳарларда эса 5,6 кишигача тўғри келганлиги кўришимиз мумкин. Мазкур даврда ҳозирги Ўзбекистон бўйича хўжаликларнинг ўртача ҳажми 5,3 кишини ташкил этган. 1897 йилда Туркистон ўлкасидаги ҳудудларда аҳоли зичлиги тўғрисидаги маълумотлар алоҳида қизиқиш уйғотиши

табийдир. Ўзбекистон ҳудуди бўйича 1897 йилда аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 9,0 кишини ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич водий ва воҳа ҳудудлари бўйича жуда юқори бўлганлиги ҳаттоки 1 км²га 150-200 кишигача [18] етганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур маълумотлар илк маъмурий-ҳудудий бирликлар кесимида аҳолининг ўсиш динамикасини яратиш ва кейинги аҳоли рўйхатларини ўтказишда яқиндан ёрдам беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мазкур рўйхатга олиш материалларидан фойдаланиш тадқиқотчилар учун маълум қийинчиликларни туғдиради, сабаби, Ўрта Осиёнинг аввалги маъмурий-ҳудудикейинги йилларда анча ўзгаришлар содир бўлди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди қисман Туркистон генерал-губернаторлигига, қисман Бухоро амирлигига ва Хива хонлигига тегишли бўлган. 1897 йилда аҳолини рўйхатга олиш бўйича ўтказилган сиёсий тадбир натижалари Туркистоннинг XIX аср охиридаги аҳолиси тўғрисидаги маълумотларни ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади ҳамда Ўзбекистонда кейинги йилларда аҳолини рўйхатга олиш тадбирларини ўтказишда асосий манба сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилаган манба адабиётлар рўйхати:

1. Проект всеподданнейшего отчета генерал-адъютанта К.П.Кауфмана по гражданскому управлению и устройству в областях Туркестанского генерал-губернаторства. 1885. – С.17.
2. Караханов М.К. Население и населенные пункты Ферганской долины. Материалы межвузовской научной конференции по проблемам народонаселения Средней Азии. –Ташкент, 1965. – С.132.
3. Обзор Ферганский области за 1899 год. Новый Маргелан. Ташкент, 1901. – С.72.
4. Статистические сведения по городам и волостям уездов Самаркандской области за 1897 г. – Самарканд, 1898 г. – С.8.
5. Мулладжанов И.Р. Население Узбекской ССР. – Ташкент, Узбекистан. 1973. – С.13.
6. Мулладжанов И.Р. Демографические развитие Узбекской ССР. – Ташкент, 1983. – С.118.
7. Муҳаммаджонов А.Р, Неъматов Т.Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Тошкент, 1957. – 189.бет.
8. Лабочевский В. Хивинский район. – Ташкент, 1912. – С.25.
9. Первая всеобщая перепись населения Российской империи, 1897 г. Общий сводъ по империи результатовъ разработки данных первой всеобщей переписи населения, произведенной 28 января 1897 года. Том I. – Петербург. 1905 г.– С.12.
10. Пландовский В. Народная перепись.– Москва, 1898. – С.352.
11. Статистические сведения по городам и волостям уездов Самаркандской области за 1897 г. – Самарканд, 1898 г. – С.7.



12. Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 года. Самаркандской области. Ташкент. 1899. С-13.
13. Территория и население Бухары и Хорезма. I и II том. Ташкент. 1926 г. С-14.
14. Караханов М.К. Некапиталистический путь развития и проблемы народонаселения. Ташкент. “Фан”. 1983. С-96.
15. Первая всеобщая перепись населения Российской империи, 1897 г. Общий сводъ по имперіи результатовъ разработки данных первой всеобщей переписи насаланіи, произведенной 28 января 1897 года. Том I. С.Петербург. 1905 г. С 4-5.
16. Пландовский В. Народная перепись. СПб. 1898. С-34.
17. Пустоход П.И., Воблий В.К. Переписи населения. Москва. Государственное социально-экономическое издательство. 1936. С-26.
18. М.Қорахонов, Қаюмов А. Ўзбекистоннинг демографик муаммолари ва аҳоли географияси. Ташкент. “Ўзбекистон”. 1984. 13-бет.